

сиёсатини ўтказиш учун ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш лозим:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш зарур. Бунда товарларни экспорт ва импорт қилишда хорижий сармоядорлар даромадларидан эркин фойдаланишларида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш;

иккинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни Республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

учинчидан, Ўзбекистонга жаҳон даражасидаги технологияларни олиб келадиган халқ хўжалигининг замонавий структурасини вужудга келтиришда ёрдам берадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни энг устувор соҳаларга - республика мустақиллигини таъминлайдиган аграр секторни, ёқилғи-энергетика комплексини ҳамда бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга, рақобатга қодир, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфлаш лозим. Чунки, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қурмай туриб, экспорт имкониятларини кенгайтириш мумкин эмас.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вахрин П.И., Нешиной А.С. Инвестиции: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2005. С.13.
2. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. С.81
3. Инвестиции: Учебник /С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др.; Под ред. В.В.Ковалева, В.В.Иванова, В.А.Лялина. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. С.17
4. Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2003. С.8.
5. Иванов Г.И. Инвестиции: сущность. Виды, механизмы функционирования /Серия «Учебники, учебные пособия». – Ростов н/Д: Феникс, 2002. С.24-25.
6. Жданов В.П. Инвестиционные механизмы регионального развития. – Калининград, БИЭФ, 2001. С.121.
7. Стахова Л.В. Управление инвестициями. – М., 2001. С-356.
8. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьяновлар А.М. Экономическая оценка инвестиций. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с.
9. Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д. Джонк. Основы инвестирования. – М.: Дело, 2007, с.10.
10. Махмудов, С. Пути улучшения механизмов финансирования логистических компаний. // Иқтисодиёт ва таълим, (3) (2021): 237-242.
11. Махмудов С. (2020). Пути совершенствования альтернативных методов финансирования инвестиционной деятельности. Экономика И Образование, 1(6), 113–120. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7088



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Шомансурова Зилола Абдувахитовна-
ТДИУ, PhD, доцент

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a15

Аннотация. Мақолада акциядорлик жамиятида инновацион салоҳиятти аниқлашнинг илмий-назарий жиҳатлари баён этилган. Шунингдек, “Дори-дармон” акциядорлик жамияти мисолида инновацион солиҳиятнинг модернизациялашув ва интенсификациялашув коэффициентлари таҳлил қилинган. Шу билан бирган, инновацияларнинг ишбилармон фаоллик самарадорлиги ва инновациялар молиявий самарадорлиги коэффициентлари таҳлил ҳам амалга оширилган. Акциядорлик жамиятида инновацион салоҳиятти аниқлашнинг мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инновацион салоҳият, молиявий самарадорлик, модернизациялашув, интенсификациялашув, инновацияларнинг ишбилармон фаоллик самарадорлик.

СПОСОБЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В АКЦИОНЕРНОМ ОБЩЕСТВЕ

Шомансурова Зилола Абдувахитовна-
ТДИУ, PhD, доцент

Аннотация. В статье описаны научно-теоретические аспекты определения инновационного потенциала в акционерном обществе. Также проанализированы коэффициенты модернизации и интенсификации инновационного права на примере акционерного общества «Дори-Дармон». При этом также проводился анализ эффективности деловой активности инноваций и коэффициентов финансовой эффективности инноваций. Выявлены существующие проблемы выявления инновационного потенциала в акционерном обществе и разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на их устранение.

Ключевые слова: инновационный потенциал, финансовая эффективность, модернизация, интенсификация, эффективность деловой активности инноваций.

WAYS OF DETERMINING INNOVATIVE POTENTIAL IN A JOINT STOCK COMPANY

*Shomansurova Zilola Abduvakhitovna-
TSUE, PhD, associate professor*

Abstract. *The article describes the scientific and theoretical aspects of determining the innovative potential in a joint-stock company. The coefficients of modernization and intensification of innovation law in the joint-stock company "Dori Darmon" were also analyzed. At the same time, the analysis of the efficiency of business activity of innovations and the coefficients of financial efficiency of innovations was also carried out. The existing problems of identifying innovative potential in a joint-stock company are identified and scientific proposals and practical recommendations aimed at their elimination are developed.*

Keywords: *innovative potential, financial efficiency, modernization, intensification, efficiency of innovation business activity.*

Кириш. Иқтисодий модернизацциялаш шароитида инновацион фаолият акциядорлик жамиятларининг иқтисодий ўсиш имкониятини тобора ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида инновацион жараённинг мунтазам ривожланиб бораётган имкониятлари ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини сезиларли равишда ўзгартириб, акциядорлик жамиятларида иқтисодий муносабатларни тубдан янгиламоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 51 ва 52-мақсадларида инновацион иқтисодий шакллантириш фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро реал интеграцион алоқаларини тизимли шакллантириш орқали глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб энг юқори 50 мамлакатлар каторига киритиш белгиланган [1].

Бу мақсадларда республиканинг инновацион ҳудудга айлантирилаётган туман ва шаҳарларида юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган технологик янгиланиш бўйича умумий қиймати 165,9 млрд. сўмлик жами 195 та лойиҳани ўзлаштириш белгиланган.

Ушбу йирик ва стратегик аҳамиятга эга инновацион лойиҳалар табиий равишда Ўзбекистоннинг глобал инновацион индексдаги позициясини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этиши табиий ҳолдир. Бу ўз навбатида йирик инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ молиявий ресурсларни талаб қилиб, ушбу молиявий ресурслар ҳисобига инновацион лойиҳаларни молиялаштириш аввало инновацияларнинг иқтисодий табиати ва аҳамиятини замонавий иқтисодий ислоҳотлар шароитидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Агар инновацияларга хос илмий қарашларнинг рестроспектив негизларига эътиборни қаратадиган бўлсак, инновациялар ва уларга хос назарий қарашларнинг ривожланиши икки асосга тақалишини кўришимиз мумкин. Биринчиси, иқтисодийнинг циклик ривожланиш концепцияси. Бунда кишилик жамияти тараққиётининг динамик тавсифга эгалиги, эҳтиёжларнинг чекланмаганлиги ва доимий ўзгариб, янгиланиб

бориши иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Жамият тараққиёти эса унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини барча жабҳаларида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва самарали молиялаштириш орқали эволюцион ривожланиш жараёни содир бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, инновациялар маълум янгиликларни амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ циклик тавсифга эгадир. Хусусан, иқтисодий ўсиш суръати инновацион ривожланишнинг ва товарларнинг ҳаётийлик циклига боғлиқдир. Инновацион жараёнлар янги товарлар ва хизматларни бозорга олиб чиқиш билан яқунланмайди. Чунки барча товарлар ва хизматларнинг ҳаётийлик даври мавжуд бўлиб, ушбу давр циклик тавсифга эгадир. Истеъмолчилар эҳтиёжларининг максимал қондирилиши ва унинг сўниб бориши янги маҳсулотларга эҳтиёжнинг вужудга келиши билан давом этади. Ушбу ҳолат технологик янгиланиш билан боғлиқ инновацион жараёнларининг давомийлигини тасдиқлайди. Шу боисдан, бугунги кунда акциядорлик жамиятида инновацион салоҳият аниқлаш дорзарб масаллардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инновацион фаолият юқори амалиётда аналог мавжуд бўлмаган лойиҳалар реализация қилиш орқали паст эҳтимолдаги лекин юқори даромадни кўзда тутувчи фаолият тури ҳисобланиб, ушбу лойиҳаларнинг самарадорлиги босқичма босқич амалга ошириладиган вазифалар алгоритми орқали таъминланади. Айниқса, ҳали бозор тўйинмаган ва юқори капитал сиғимини талаб қилувчи лойиҳаларни амалга жорий этиш, уларнинг самарадорлигини ўрганиш, илмий лойиҳаларни амалга оширишда илмий салоҳиятга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Тармоқ корхоналарида техник-иқтисодий асосланган лойиҳалар ва реализация қилиш учун зарурий илмий салоҳиятнинг мавжудлиги;
2. Акциядорлик жамияти фаолиятининг инновацион модернизацциялашув даражаси;

3. Акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришининг инновацион интенсификация даражаси;

4. Инновацион лойиҳани самарали реализация қилишни акциядорлик компаниялари молиявий салоҳиятининг ортишига таъсири. Хусусан, фойдани тўпланиш даражаси бўйича ички молиялаштириш манбалари ҳисобига инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизимида ички потенциал манбаларнинг аҳамиятини ортиши.

Қатор иқтисодчилар инновацион фаолиятга оид ички салоҳиятни учун ушбу 2 категория, яъни “Салоҳият” ва “Инновация” категорияларни моҳиятини ва зарурлигини аниқ билиш лозим [2]. Иқтисодчи М.Н. Нечепуренко эса инновацион салоҳиятга инновацион жараёнини амалга ошириш учун ташкиллаштириладиган “мавжуд омиллар ва шарт-шароитлар тизими” [3] - деб тарифлайди.

Стив Жобс ушбу фикрида мавжуд янги ғоя ёки технологиянинг ўзи инновациягина эмас балки у оддий инновацион салоҳият элементи, уни самарали реализация қилувчи ташкилий тизим орқали амалиётга жорий қилиш инновацион фаолият ҳисобланади. Масалан, россиялик иқтисодчи Д.И. Кокурин инновацион салоҳиятга иқтисодий субъектлар истиқболдаги мақсадларини рўёбга чиқариш бўйича тўпланган яширин ва фойдаланилмаган имкониятлар[4] - деб таъриф беради. Демак, ушбу фикрича инновацион салоҳиятнинг ресурс компоненти бўйича тўпланган ва фойдаланилмаган молиявий ресурслар акциядорлик жамиятларида олиб борилаётган инновацион фаолиятнинг асоси ҳисобланади.

Инновацион салоҳият-новатор-субъект томонидан амалиётда аналогич мавжуд бўлмаган янги товарлар(хизматлар) ва технологияларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш имкониятлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Юқоридаги тарифга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, инновацион салоҳият ўзаро алоқалар ички тузилмавий элементлардан ташкил топадиган мураккаб тизимни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу тизим элементлари ўзаро алоқадорликларига асосланган инновацион салоҳиятдан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш конкрет корхоналарда инновацион фаолиятни ошириш имкониятларининг мутлақ оптимал йўлларида бири ҳисобланади.

Демак, инновацион салоҳият аввало фаолиятга оид тўпланган тажриба асосидаги ички имконият, мавжуд ресурс имкониятлари ва кутилиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий самарадорликка олиб келиши лозим. Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳияти компонентларини кўриб ўтамай. Акциядорлик жа-

миятлари инновацион салоҳиятига оид илмий қарашларни умумлаштириш натижасида унинг таркибий компонентларини 3 элементини ажратиш тавсия этилади:

Машҳур америкалик тадбиркор, жаҳон IT технологиялари бозоридаги етакчи инноватор Стив Жобснинг таъкидлашича, “Агар сизда янги ғоя ёки технология мавжуд. Ушбу ғоя ёки технологияларни компания фаолиятга жорий қилиш инновация ҳисобланади ва янги ғоя ёки технологияларни инновацияларга айлантириш кучли тартиб ва тизимли ҳаракатларни талаб қилади[5].

Инновацион салоҳиятда унинг ресурс компонентлари муҳим аҳамият касб этади. Одатда барча ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни: иқтисодий, технологик, молиявий ва инсон ресурслари каби туркумларга ажратиш тадқиқ қилиш қабул қилинган. Хусусан, акциядорлик жамиятларида мавжуд инновацион салоҳиятни ресурс компонентларига оид фикрларни умумлаштирган ҳолда уни таҳлил объекти сифатида 6 та асосий туркумларга ажратиш тавсия этилади. Хусусан, мавжуд моддий техник база ва иқтисодий ресурслар ҳар қандай корхонанинг иқтисодий ёки ишлаб чиқариш салоҳиятини ўзида мужассамлаштириб, янги технология ва ғояларни реализация қилиш ҳам ушбу ғоялар ёки технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган янги товарлар учун ресурслар мавжудлигини баҳолаш муҳимдир.

Инновацион лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Инновацион салоҳиятни таъминлаш негизида унинг иқтисодий самарадорлиги ошириш масаласи кўлдаланг туради. Сабаби лойиҳалар бўйича иқтисодий самарадорлигини ошириш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади. Таниқли олимлар Т.Ю.Гораева, Л.К. Шамина инновацион лойиҳаларини баҳолашнинг учта кўрсаткичлари ўзида мужассамлаштирган интеграл баҳолаш тизимини тавсия қилганлар [6]. Ушбу кўрсаткичлар: фойдалилик; экспорт даражаси ва натижавийликни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ушбу коэффициентлар инновацион ривожланишга оид рестроспектив кўрсаткичлар тизими асосида ҳисобланади.

Улар томонидан тавсия қилинган инновацион фаоллик натижадорлигининг интеграл кўрсаткичида ҳисобланган детерминантлар вазни бир хил аҳамиятлиликка асосланади.

Бугунги кунда инновацион салоҳиятни категориясининг ранг баранг иқтисодий табиати мавжуд бўлиб, уни тизимли парадигмага асосланган жараён сифатида бошқариш ва молиявий таъминлаш билан ушбу жараённинг моддий негизи ўртасидаги диалектик боғлиқликни кўриб чиқишни тақозо қилади. Хусусан, Калифорния университети бизнес мактаби очиқ

инновациялар маркази директори Г. Чесбронинг фикрича [7], технологиялар имитацияси очик инновацияларнинг ўзига хос шакли ҳисобланиб, уни тизимли жараён сифатидаги парадигмаси тегишли ғояларни излаш, ташқи билимлар ва технологияларни излаб топиш билан боғлиқдир.

Табий равишда инновацияларнинг моддий негизини қандайдир билимлар ташкил қилса-да, итисодчи С. Торнхилл билимларга инновациялар эмас, балки, ресурс сифатида [8] қараш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Демак, билимлар ўз ўзидан инновация ҳисобланмайди, балки ушбу билимларни тизимга солиш, уларни тижоратлаштириш ва қандайдир ижтимоий-иқтисодий нафлиликка эга бўлиш орқалигина улар инновацияларга айланади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида аксарият давлатлар миллий венчур индустриясини амалга оширишни афзал кўради. Лекин бизнинг нуқтаи назаримиздан, хориж моделини мамлакатимизда қўллаш биз кутаётган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Сабаби мамлакатимиз инновацион лойиҳаларни инвестициялашдаги мавжуд хатарларнинг бир қисмини ўз зиммасига олишга тайёр эмас.

Жаҳон амалиётида корхоналари инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ тизими муҳим роль ўйнайди. Маҳаллий олимларимиздан бири Гиясов С.А. нинг ўз илмий ишларида [9] солиқ имтиёзлари маълум бир иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ёки унинг ривожланишига йўл очишда қўлланиладиган механизм ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига айрим фаолият турларини ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади:

- илмий ишлар натижасида тижорат ишини йўлга қуйиш ва уни ривожлантириш мақсади ушбу фаолият турлари билан шуғулланувчи шахсларга солиқ тўловларини кечиктириш имтиёзи мавжуд;

- илмий ғоя асосида олиб борилган тижорат фаолиятдан олинган солиқлар бўйича солиқ юкини пасайтириш механизми қўлланилади;

- инновацион лойиҳалар бўйича олинган молиявий натижаларга нисбатан «солиқ таътили» амалга оширилади;

- акциядорлик жамиятларига маълум бир улуши асосида иштирок қилаётган мулкдорлар учун дивиденд солиғидан озод қилиш;

- илмий ишлар билан шуғулланувчи субъектларга нисбатан солиқ имтиёзлари, яъни айрим солиқ ставкаларини камайтириш;

- интеллектуал инвестициялар тақдим этилишида ундан олинган фойдага нисбатан имтиёзлар тизими мавжуд;

- илмий ишланмалар асосида олинган

фойдани хайрия мақсадида сарфламаслик механизми мавжуд.

Инновацион фаолиятни бошқаришга одатда сиёсатчилар, ҳукумат вакиллари, йирик тадбиркорлар жалб қилинадилар. АҚШда инновацион фаолиятни ривожлантириш давлат дастури қабул қилиниб, бир қанча ютуқларга эришилган. Маҳаллий олимларимиздан бўлган Қурбанова М.Н. нинг фикрича [10] йирик бизнес тармоқларига эга бўлган давлатларда илмий-инновацион фаолиятни олиб боришнинг учта модели мавжудлиги келтириб ўтилган:

- 1) АҚШ, Англия, Франция мамлакатлари фан ва уни ишлаб чиқариш билан боғлашда йирик ютуқларга эга бўлган давлатлар ҳисобланади;

- 2) Германия, Швеция, Швейцария инновацион тадқиқотлар учун қулай муҳит яратишга молик бўлган давлатлар ҳисобланади;

- 3) Япония, Жанубий Корея мамлакатларида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бўйича инновацион инфратузилмаси талаб даражадалиги, илмий ғояларни амалиётга татбиқ қилишда етакчилиги, ўзлаштириш, илмий тараққиётдаги турли илмий ғояларни тижоратлаштиришда қулай механизмларга эга бўлган давлатлар сирасига киради.

Айрим иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни молиялаштириш учун турли шаклдаги фондлар ташкил этилган:

- йирик компанияларнинг илмий излашларини қўллаб-қувватлаш;

- жаҳон космик агентлиги;

- соғлиқни қўллаб-қувватлаш Миллий институти;

- саноат ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказлари;


- фанлар академияси;

- Америка мамлакатининг илмий соҳани қўллаб-қувватлаш ассоциацияси.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотимизни акциядорлик жамияти инновацион салоҳияти ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимлари орқали қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот ишида “Дори дармон” акциядорлик жамиятида инновацион салоҳият кўрсаткичлари тизими таҳлил қилинган.

1-жадвал маълумотлари кўрсатадики, “Дори дармон” акциядорлик жамиятида инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффициенти 2017 йилда 0,265 ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилга келиб 0,32 га кўпайган.



1-расм. Акциядорлик жамияти инновацион салоҳияти ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизими

Манба: Интернет манбалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

1-жадвал

“Дори дармон” акциядорлик жамиятида инновацион салоҳият кўрсаткичлари тизими

№	Кўрсаткичлар	Формула	2017 й.	2018й.	2019й.	2020й.
Инновацион салоҳиятнинг модернизациялашув коэффиценти						
1.1	ИТТКР билан банд бўлган персоналлар улуши коэффиценти (K_p)	$K_p = X_{it}/X_j$	0,02	0,02	0,04	0,05
1.2	Персоналлар саводхонлиги коэффиценти (K_s)	$K_s = X_{o'm}/X_j$	0,51	0,64	0,57	0,59
	K_{im}	$K_{im} = (K_p + K_s)/2$	0,265	0,33	0,305	0,32
Инновацион салоҳиятнинг интенсивлашув коэффиценти						
2.1	Интеллектуал мулклар билан таъминланганлик коэффиценти (K_{im})	$K_{im} = A_{nm}/A_{um}$	0,001	0,001	0,002	0,001
2.2	Янги технологияларни ўзлаштириш коэффиценти (K_{yt})	$K_{yt} = A\Phi_{yo}/A\Phi_{yq}$	0,017	0	0,01	0,01
2.3	Янги маҳсулотни ўзлаштириш коэффиценти (K_{ym})	$K_{ym} = T_{yl}/T_{ly}$	0,02	0,001	0,01	0,021
	K_{ii}	$K_{ii} = (K_{im} + K_{yt} + K_{ym})/3$	0,013	0,001	0,007	0,011
Инновацияларнинг ишбилармон фаоллик самарадорлиги коэффиценти						
3.1	Инновацион ривожланиш коэффиценти (K_{id})	$K_{id} = I_{yl}/I_j$	0,21	0,19	0,28	0,24
3.2	Илмий тадқиқотлар коэффиценти (K_i)	$K_i = T_{umu}/A_j$	0,09	0,12	0,15	0,11
3.3	Инновацион товарлар экспорти коэффиценти (K_{ex})	$K_{ex} = EX_{im}/EX_j$	0,14	0,17	0,15	0,26
	K_{ifn}	$K_{ifn} = (K_{id} + K_i + K_{ex})/3$	0,147	0,160	0,193	0,203
Инновациялар молиявий самарадорлиги коэффиценти						
3.3	Инновацион лойиҳаларга харажатлар рентабеллиги коэффиценти (K_{is})	$K_{is} = \Phi_{il}/IX_j$	0,017	0,15	0,21	0,27
3.4	Инновацион фаолият фойда нормаси коэффиценти (K_{if})	$K_{if} = \Phi_{il}/\Phi_j$	0,053	0,047	0,062	0,19
	K_{inn}	$K_{inn} = (K_{is} + K_{if})/2$	0,035	0,0985	0,136	0,23

Манба: “Дори дармон” акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.


Бунда юқори вазн асосан персоналлар (ходимлар) саводхонлигини ошириш бўйича кадрлар сиёсатига тўғри келмоқда. Лекин умумий контекстда акциядорлик жамиятлари ўртача кўрсаткичларига нисбатан олинганда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) фаолияти билан банд бўлган ходимлар улуши паст кўрсаткичга эга бўлган. Инновацион салоҳиятнинг интенсификация коэффициентини 2017 йилда 0,013 ни, 2020 йилга келиб эса 0,011 ни ташкил қилган. Ушбу коэффициентда пасайиш кузатилган бўлиб, акциядорлик жамиятида интеллектуал мулкларнинг деярли мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Янги маҳсулотларни ўзлаштириш коэффициенти эса 2020 йилда 0,21 га ўсиб бориб, янги дори воситаларини ўзлаштириш ҳисобига сотиш сиёсатини тезлаштириш имкониятларига эга бўлган. Демак, ушбу кўрсаткичлардан хулоса қилиш мумкинки, акциядорлик жамиятлари инновацион лойиҳаларни жорий этишда ташқи манбаларга эътиборни кўпроқ қаратиш ҳисобига таъминланган.

Инновацияларнинг ишбилармон фаоллик

самарадорлиги коэффициентида эса 2017-2020 йилларда ижобий ўзгариш кузатилган. Хусусан, 2017 йилда ушбу коэффициент 0,147 ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 0,203 га етган. Ушбу ўсиш асосан инновацион товарлар экспорти коэффициенти (2020 йилда 0,26) тўғри келган. Шунингдек, кейинги йилларда акциядорлик жамияти инвестиция сиёсатида янги инновацион лойиҳаларни ўзлаштиришга эътибор қаратилган (0,24).

Инновациялар молиявий самарадорлиги коэффициенти 2017 йилда 0,035 ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу агрегатлашган коэффициент 0,23 ни ташкил қилган. Ушбу агрегатлашган коэффициентни ўсишида инновацион лойиҳаларга харажатлар рентабеллиги коэффициенти (0,27) асосий таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилган.

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, инновацион фаолият самарадорлигини интеграл кўрсаткичи I_{ifs} тез ўсиш суръатини таъминлаб, 2017 йилда 0,091 ни, 2020 йилга келиб эса 0,217 ни ташкил қилган.



2-расм. “Дори-дармон” акциядорлик жамиятида инновацион салоҳият ва инновацион фаолият самарадорлиги интеграл кўрсаткичлари динамикаси

Манба: “Дори дармон” акциядорлик жамияти йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Ҳисобланган акциядорлик жамиятларига нисбатан ўртачадан паст кўрсаткич бўлса-да, мавжуд инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш интеграл кўрсаткичининг (I_{ins}) нисбатан паст даражасидаги (2017 йилда-0,088; 2020 йилда-0,103) инновацион фаолият самарадорлигининг юқори кўрсаткичи истиқболда инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган ислохотлар олиб борилишини иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Чунки, салоҳиятдан фойдаланишнинг паст кўрсаткичида инновацион фаолият юқори мультипликатив самарадорликка эга бўлмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Муаллиф томонидан олиб борилган диссертацион тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятига оид илмий қарашларни умумлаштириш натижасида унинг таркибий компонентларини қуйидаги элементларини ажратиш тавсия этилди: биринчиси, инновацион салоҳиятнинг негизини ташкил қилувчи ҳар бир корхонада тадбиркорлик самарали фаолияти натижасида тўпланган ички имкониятлар. Ушбу компонентнинг иккинчи элементи “ИТТКИ бўйича функционал” ва учинчи элемент “ташкилий ва тўпланган тажриба” каби ички имкониятлар компонентлари билан узвий боғлиқликда шакл-

ланиб боради. Инновацион фаолият бўйича тўпланган тажриба, аввало, ушбу фаолиятни тизимли йўлга қўйилганлиги ва функционал секциялар бўйича ваколатларнинг ўзаро тақсимот тизимини ўзида мужассамлаштирувчи яхлит ташкилий тизимга асосланишини тақозо қилади.

2. Инновацион фаолиятни тўғри ташкил қилишга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш аввало, ҳар бир акциядорлик жамиятларида ички инновацион салоҳиятни баҳолаш ва инновацион фаолият самарадорлиги интеграл кўрсаткичлари тизимига асосланиши мақсадга мувофиқдир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонида 1-илова. 51,52-мақсадлар. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
2. Кравченко С.И., Кладченко И.С. Исследование сущности инновационного потенциала // Научные труды Донецкого национального технического университета. Серия экономическая. – Донецк: ДонНТУ. 2003. Вып. 68.39-б.
3. Нечепуренко, М.Н. Организационно-экономический механизм управления устойчивым развитием предприятия на основе инновационной активности / М.Н. Нечепуренко. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2006. 19 с.
4. Кокурин Д.И. Инновационная деятельность / Д.И. Кокурин. – М.: Экзамен, 2001.
5. <http://www.lookatme.ru/flow/posts/gadgets-radar/138693-top-5-vyskazyvaniy-stiva-dzhobsa-ob-innovatsiyah-2011-09-21>
6. Гораяева Т.Ю., Шамина Л.К. Методика мониторинга и оценки инновационной деятельности предприятия. // Научно-технические ведомости СПбГПУ // Экономические науки № 3(221) 2015
7. Chesbrough H.W. The Era of Open Innovation. // MIT Sloan Management Review. 2008. Vol. 44. Iss. 3. P. 34–41.
8. Thornhill S. Knowledge, Innovation and Firm Performance in High- and Low-Technology Regimes // Journal of Business Venturing. 2006. Vol. 21. P. 687–703. doi: 10.1016/j.jbusvent. 2005.06.001
9. Гиясов С.А. Инновацион фаолиятни ривожлантиришида солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. // “Молия ва банк иши” электрон илмий журнали. 6-сон. ноябрь - декабрь, 2019й. 172-182-б.
10. Қурбанова М. Н АҚШ инновацион тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. //Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 2018, 10(118).42-54б.